

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

Protected by PDF Anti-Copy Free

2020 йил 04 декабрь ойининг 30 куни жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман суди, Янгибозор тумани Бошқирших қишлоғи Юқорибошқир маҳалла фуқаролар йиғини биносидан, айёр суд мажлисида, шу суднинг раиси Ш.Хўжаниёзовнинг раислиги, атсапаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Янгибозор прокурорининг ёрдамчиси Р.Курбанов, гумон қилинувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси “Yangibozor Adolat nuri” адвокатлик бюросининг адвокати Ғ.Салаев, жабрланувчи [REDACTED] ва педагог Р.Рўзимова иштирокида,



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-2211-2001/72-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суриштирув ҳужжатларига кўра, гумон қилинувчи [REDACTED] 2020 йил 04 декабрь куни соат тахминан 16-00ларда 1988 йил 17 май куни Янгибозор туманида туғилган, Янгибозор тумани, Бошқирших қишлоғи, юқорибошқир маҳалласи, [REDACTED] нинг яшаш уйида, у билан ўзаро келишмай қолиб, ўрталарида келиб чиққан жанжал натижасида унинг юз қисмига қўли бир неча моратаба зарба бериб, унга оғирлик даражаси бўйича соғлиғининг қисқа муддат, яъни 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатга бузилиши билан боғлиқ бўлган қасддан баданга енгил тан жароҳати етказганликда гумон қилинган.

Суриштирувда гумон қилинувчи [REDACTED] ҳамда жабрланувчи [REDACTED] ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Янгибозор туман ИИБ ҳузуридаги Тергов гуруҳи суриштирувчисининг 2020 йил 24 декабрдаги қарорига кўра, гумон қилинувчи [REDACTED] га

нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан тугатиш масаласини хал қилиш учун судга юборилган.

Гумон қилинувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига [REDACTED] иштиёри билан тўлиқ иқрорлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини [REDACTED] танлигини, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги [REDACTED] хозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйикларсиз ярашиб олганлиги [REDACTED] қилмишидан пушаймонлигини ҳамда ярашувга рози эканлигини билдириб, ўзига нисбатан бўлган жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, гумон қилинувчи [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, гумон қилинувчи билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлигини, ярашув тўғрисидаги аризасини ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ЖКнинг 109-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарларни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи [REDACTED] ва гумон қилинувчи [REDACTED] нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, Янгибозор туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Курбанов ҳамда ҳимоячи Ғ.Салаевларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумон қилинувчи [REDACTED] нинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрорлиги ва етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчи ва гумон қилинувчи ўз ихтиёрлари билан ярашганликлари, уларга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, гумон қилинувчи [REDACTED] га нисбатан юритилган жиноят ишини тарафлар ярашганликлари муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи [REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Бинобарини, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моасининг 4-қисми,
585-586-моддаларига амап қилиб суд

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

А Ж Р И М Қ И Л Д И

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 109-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчи [REDACTED] га нисбатан [REDACTED] 1-2211-2001/72-сонли жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Жиноят натижасида етказилган зарарларнинг тўлиқ қопланганлиги ва жабрланувчининг гумон қилинувчига нисбатан бошқа даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

Ш.Хўжаниёзов